
11-НОЯБРЬ - КАСАБА УЮШМАЛАРИ КУНИ ТАНТАНАЛИ НИШОНЛАНДИ

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Касаба уюшмалари куни икки йилдан буён кенг нишонланмоқда. Байрам муносабати билан туман мусиқа мактабида ташкил этилган тадбирга юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳамда ҳуқуқий соҳалардаги ислохотларда фаол иштирок этаётган касаба уюшмалари аъзолари ҳамда фахрийлар таклиф этилди. Туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси О. Раҳмонов барчани байрам билан табриклаб, фаол бошланғич касаба уюшма аъзоларини ҳамда Касаба уюшмалари куни муносабати билан ўтказилган “Ёш китобхон” акцияси ғолибларини эсдалик совғалар билан тақдирлади. Ўзбекистон хизмат қўрсатган артистлар Муҳсинбек ва Яҳёбек Мўминовлар ҳамда туман бўлими санъаткорлари томонидан намойиш этилган концерт дастури байрам қатнашчил завқ-шавқ бағишлади.

2022-11-09 13:40:51